

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Ҳокимликлар томонидан
қарорларни очик эълон
қилиш ва яширин равишда
қабул қилиш юзасидан
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2024

Ҳокимликлар томонидан
қарорларни очиқ эълон қилиш
ва яширин равишда қабул
қилиш юзасидан
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ҳокимликлар томонидан қарорларни очиқ эълон қилиш ва яширин равишда қабул қилиш юзасидан услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. – Тошкент. 2024-й. 28 б.

Мазкур услубий қўлланма маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни қабул қилишда фойдаланиш ва қўллаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

Қўлланма ишлаб чиқилган сана: 17.09.2024 йил.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Қарорларни очик эълон қилиш ва яширин равишда қабул қилиш юзасидан қонунчилик ҳужжатлари.....	5-6
Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар.....	7
Шахсга доир маълумотлар	8-11
Хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар.....	12
Тижорат сири билан боғлиқ маълумотлар.....	13
Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотлар.....	14
Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар.....	15-21
Очиқ маълумотлар жумласига кирувчи ахборотлар.....	22-25

КИРИШ

Технологиянинг тез суръатлар билан ўсиши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тўлиқ тартибда электрон тартибга ўтганлиги натижасида айрим ҳолларда шахсга доир маълумотларнинг қонунчилик ҳужжатларига зид равишда эълон қилиб юбориш ҳолатлари учрамоқда.

Бироқ ҳар қандай ҳолатда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги муҳим ҳисобланади.

Шунга кўра, ҳокимликлар томонидан қарорларни қабул қилишда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ эълон қилиш ва яширин равишда қабул қилиш юзасидан услубий қўлланма тайёрлаш ва бу орқали ҳокимликларни методик таъминлаш муҳим масала ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур қўлланма ҳокимликлар томонидан қарорларни қабул қилишда уларни очиқ эълон қилиш ва яширин равишда қабул қилиш юзасидан қонунчилик ҳужжатлари тўғри қўллашига хизмат қилади.

Қарорларни очиқ эълон қилиш ва яширин равишда қабул қилиш юзасидан қонунчилик ҳужжатлари



“Ахборот эркинлиги принциплари ва
кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни



“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви
органлари фаолиятининг очиқлиги
тўғрисида”ги Қонун



“Шахсга доир маълумотлар
тўғрисида”ги Қонун



“Тижорат сири тўғрисида”ги Қонун



“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун



“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви
органлари фаолиятининг очиқлиги
тўғрисида”ги Қонун



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16
июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва
ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш,
шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар
тоғрисида”ги Фармони




Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил
22 июндаги 390-сон қарори

ФОЙДАЛАНИЛИШИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИЛГАН АХБОРОТЛАР



Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **чекланиши мумкин**

- Ўзбекистон Республикаси “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонун 4-модда



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти тўғрисида уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган, қонунчиликка мувофиқ чеклаб қўйилган, эълон қилиниши (чоп этилиши) лозим бўлган ахборотга тааллуқли маълумотларнинг **рўйхатини тасдиқлаши белгиланган**

- “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун 8-модда



Давлат **шахсга доир маълумотларнинг** ҳимоя қилинишини кафолатлаши, мулкдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар **субъектнинг розилигисиз** шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шартлиги кўрсатилган

- “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун 27, 28-модда

ФОЙДАЛАНИЛИШИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИЛГАН АХБОРОТЛАР

#Шахсга доир маълумотлар

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборотлар ҳисобланади



Шахсга доир
маълумотлар

шахсга доир маълумотлар субъекти (субъект) — шахсга доир маълумотлар ўзига тааллуқли бўлган жисмоний шахс

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш — шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга

Шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш

Мулқдорнинг, операторнинг ва учинчи шахснинг фаолияти мақсадларини амалга оширишга қаратилган шахсга доир маълумотлар билан ҳаракатлар шахсга **доир маълумотлардан фойдаланишдир.**

Мулқдор, оператор ва учинчи шахс томонидан шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш бу маълумотларнинг **зарур даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш шarti билан** фақат ушбу шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича илгари билдирилган мақсадлар учун амалга оширилади.



Шахсга доир маълумотларни тарқатиш

Шахсга доир маълумотларни номуайян доирадаги шахсларга ошкор этишга, шу жумладан шахсга доир маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қилишга, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштиришга ёки шахсга доир маълумотлардан бирор-бир бошқа усул билан фойдаланиш имконини беришга қаратилган ҳаракатлар **шахсга доир маълумотларни тарқатишдир.**


Шахсга доир маълумотларни йиғишнинг илгари билдирилган мақсадларидан четга чиқилган ҳолларда, ушбу маълумотларни тарқатиш **субъектнинг розилиги билан амалга оширилади.**

Шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатли давлат органи



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги **Давлат персоналлаштириш маркази**

Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжуд!!!



Маъмурий жавобгарлик

Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик

✚ фуқароларга —

БҲМ 7 баравари
миқдорида жарима



✚ мансабдор шахсларга —


50 баравари миқдорида
миқдорида жарима



Фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборотлар

#ХДФУ

ХДФУ — хизмат доирасида фойдаланиш учун
мўлжалланган ҳужжатлар




**МАЗКУР ТУРДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭЪЛОН
ҚИЛИШ ТАЪҚИҚЛАНАДИ!!!**

Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар

#Тижорат сирини билан боғлиқ маълумотлар

Тижорат сирини — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради



Тижорат сирининг мулкдори шартномага мувофиқ ўзи томонидан конфидентга топширилган **тижорат сирини ошкор этмаслиги шарт**

**ТИЖОРАТ СИРИ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАЪЛУМОТЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН
ҲУЖЖАТЛАР ЭЛОН ҚИЛИНМАЙДИ!!!**

ФОЙДАЛАНИЛИШИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИЛГАН АХБОРОТЛАР

#Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотлар

Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан олинган маълумотлар махфий бўлиб, ошкор қилинмайди



Етим бола ва васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги маълумотлар махфий маълумотлар ҳисобланади

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги махфий маълумотлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш тақиқланади!!!

ФОЙДАЛАНИЛИШИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИЛГАН АХБОРОТЛАР

● **Шахсга доир маълумотлар бўлганлиги сабабли қуйидагилар:**

Никоҳ ёшени қисқартириш
тўғрисидаги қарорлар

1



Етим болалар, ота-она қаровисиз қолган болалар
ҳамда психофизик ривожланиши бузилган болаларни
болалар уйига жойлаштириш бўйича қарорлар


2

Меҳрибонлик уйи ташкил этиш ҳамда етим
болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган
болаларни меҳрибонлик уйига жойлаштириш
бўйича қарорлар

3

**МАЗКУР МАЪЛУМОТЛАР МАВЖУД ҚАРОРЛАР
ЭЪЛОН ҚИЛИНМАЙДИ!!!**

ФОЙДАЛАНИЛИШИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИЛГАН АХБОРОТЛАР



Шахсга доир маълумотлар бўлганлиги сабабли қуйидагилар:

Болалар шаҳарчаси ташкил этиш ва фаолияти билан боғлиқ қарорлар

1

Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тўлиқ давлат таъминоти билан боғлиқ қарорлар

2

Оилага тарбиялаш учун берилган (патронат) болаларни кийим-бош, поябзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тўғрисидаги қарорлар

3

**МАЗКУР МАЪЛУМОТЛАР МАВЖУД ҚАРОРЛАР
ЭЪЛОН ҚИЛИНМАЙДИ!!!**



ФОЙДАЛАНИЛИШИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИЛГАН АХБОРОТЛАР



**Шахсга доир маълумотлар
бўлганлиги сабабли қуйидагилар:**

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага уй-жой ажаратиш тўғрисидаги қарорлар



Оилавий болалар уйи ташкил этиш билан боғлиқ қарорлар



Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар



**“Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва
“Аёллар дафтари” юзасидан қабул
қилинган қарорлар:**

Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир oilаларни
“Темир дафтар” рўйхатига киритиш, чиқариш ёки унга
ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарорлар

Кам таъминланган
ва эҳтиёжманд
хотин-қизларни
“Аёллар дафтари”
рўйхатига киритиш
ёки чиқариш
тўғрисидаги
қарорлар



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент
шаҳри, туман (шаҳар)лардаги “Ёшлар дафтари”
рўйхатига киритиш ёки чиқариш тўғрисидаги қарорлар

Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар



“Меҳр дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармаси юзасидан қабул қилинган қарорлар:

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни “Меҳр дафтари” тизимига киритиш, чиқариш ва ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарорлар



“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини рўйхат асосида эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратиш

Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар

Жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олган қарорлар:

Меҳнатга оид муносабатлар сабабли иш берувчига тақдим этилган, ходимнинг, шунингдек унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар ва ҳолатлар тўғрисидаги ахборот ходимнинг шахсга доир маълумотларидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 175-моддаси


Шахсга доир маълумотлар жумласига ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотлар кириши белгиланган.



Ходимнинг шахсга доир маълумотлари тўғрисидаги ахборот махфий ахборот тоифасига тааллуқлидир.

Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар

Жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар, худди шунингдек унинг шахсий ҳаёти сирини очувчи ахборотларни ўз ичига олган қарорлар



Қонунчиликка мувофиқ ахборот олиш чекланган касб фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ўз ичига олган қарорлар



Қонунчиликка мувофиқ эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотларни ўз ичига олган бошқа қарорлар

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ЖУМЛАСИГА КИРУВЧИ АХБОРОТЛАР

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар

Бюджетдан ажратиладиган маблағлардан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланилиши, ўтказилган танловлар (тендерлар) ва олинган товарларнинг етказиб берилиши тўғрисида, вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириладиган тегишли ахборот



ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ЖУМЛАСИГА КИРУВЧИ АХБОРОТЛАР




Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар



Амалга оширилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ЖУМЛАСИГА КИРУВЧИ АХБОРОТЛАР



Маҳаллий бюджетларнинг ҳар чорак якунида шакллантириладиган даромадлар ва харажатлар сметаси, режадан орттириб бажарилган қисми ва мазкур маблағлар йўналтирилган мақсадлар тўғрисидаги маълумотлар



Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги енгил автомобиллар, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар



Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ЖУМЛАСИГА КИРУВЧИ АХБОРОТЛАР

Жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар

Олдин маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи фаолияти соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумат ҳамда давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи томонидан қабул қилинган дастурлар тўғрисидаги умумий маълумотлар

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи фаолияти соҳасига кирадиган тармоқнинг ҳолатини, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда унинг ривожланиш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи, унинг ташкилотлари томонидан ўтказиладиган товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар

“E-qaror” elektron tizimida qaror loyihasining ҳолатини яширилган ҳолатга ўтказиш

Adliya vazirligi

ISLOMOV ISKANDARJON FAXRIDDINOVICH

Moderator

Bosh sahifa

Monitoring

Imzolangan hujjatlar

Huquqiy ekspertiza

Yagona aloqa markazi

71 202 22 02 (ichki raqam 1)

ID

Hujjat raqami

Ok

Qoralamalar

Idoraviy kelishuv

Hokimiyat tarkibiy bo'linmalari bilan kelishuv

Kengash kotibiyati va komissiyalar bilan kelishuv

Hokimlik yuridik konsulti

Jamoat-halok muhokamasi

Huquqiy ekspertiza

Imzo uchun

E'lon qilish

Loyiha pasporti

Loyiha matni

Kelishuv xronologiyasi

Yuridik xulosa

1	ID	
2	Tartib	Imzo uchun
3	Muallif	Mirzo Utig'bek tuman hokimligi
4	Nomlanishi OZ	Vasiylik belgilash
5	Loyiha turi	Hokim qarori
6	Xususiyati	Normativ emas
7	Hujjat mazmuni	Voyaga yetmaganlarga vasiylik belgilash to'g'risida
8	Soha	Davlat boshqaruvi asoslari
9	Loyiha versiyasi	3
10	Hujjat raqami	
11	Mas'ul	
12	Eslatmalar	
13	Fayl	
14	Qo'shilgan	23.07.2024 8:23:34
15	Holati	Yashiringan

Barcha ilovalarni yuklab olish

Mas'ul

Rabbar

Tahrirlash

Xususiyati

Normativ emas

Hujjat mazmuni *

Voyaga yetmaganlarga vasiylik belgilash to'g'risida

Holati

Yashiringan

Hujjat holati

Amalda

1

“E-qaror” elektron tizimida qaror loyihasining ҳолатини эълон қилинган ҳолатга ўтказиш

Adliya vazirligi

ISLOMOV ISKANDARJON FAXRIDDINOVICH

Moderator

Bosh sahifa

Monitoring

Imzolangan hujjatlar

Huquqiy ekspertiza

Yagona aloqa markazi

71 202 22 02 (ichki raqam 1)

ID

Hujjat raqami

Ok

Qoralamalar

Idoraviy kelishuv

Hokimiyat tarkibiy bo'linmalari bilan kelishuv

Kengash kotibiyati va komissiyalar bilan kelishuv

Hokimlik yuridik konsulti

Jamoat-halok muhokamasi

Huquqiy ekspertiza

Imzo uchun

E'lon qilish

Loyiha pasporti

Loyiha matni

Kelishuv xronologiyasi

Yuridik xulosa

1	ID	1932509
2	Tartib	Imzo uchun
3	Muallif	Jizzax viloyati xalq deputatlari Kengashi
4	Nomlanishi OZ	Jizzax viloyatining Zomin tumanida Texnopark loyihasi va ko'rgazmalar tashkil etishi uchun mablag' ajratish to'g'risida
5	Loyiha turi	Kengash qarori
6	Xususiyati	Normativ emas
7	Hujjat mazmuni	Mahalliy byudjetlar qo'shimcha manbalaridan foydalanish to'g'risida
8	Soha	Turli masalalar
9	Loyiha versiyasi	
10	Hujjat raqami	
11	Mas'ul	SALIYEV ERGASH ALIBEKOVICH
12	Eslatmalar	
13	Fayl	Yuklab olish (71b6ebcf-2416-4a06-bdff-92e97817b737.zip)
14	Qo'shilgan	19.07.2024 11:03:50
15	Holati	E'lon qilingan

Barcha ilovalarni yuklab olish

Mas'ul

Rabbar

F.I.S.

Tahrirlash

Xususiyati

Normativ emas

Hujjat mazmuni *

Mahalliy byudjetlar qo'shimcha manbalaridan foydalanish to'g'risida

Holati

E'lon qilingan

Hujjat holati

Amalda

2

